

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ  
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ФАКУЛЬТЕТИ**

5141100 Ўзбек тили ва адабиёти бакалавр йўналиши кундузги бўлим  
4-курс 403-гуруҳ талабаси Жамолдинова Маъфура

**РЕФЕРАТ**

**Мавзу: ЗУЛФИЯ АСАРЛАРИДА  
ҚЎЛЛАНГАН СТИЛИСТИК  
ВОСИТАЛАР**

**ТОШКЕНТ –2012**

## Реферат режаси

### 1. Зулфия асарларида қўлланган синонимлар

### 2. Зулфия асарларида қўлланган антонимлар

**Синонимлар.** Халқ тили бойлигини кўрсатиб берувчи лексик ресурслардан бири синонимлардир. Шунинг учун синонимларни ўрганиш ва тадқиқ этиш тилшуносликнинг, асосан, стилистиканинг муҳим вазифаси саналади.

Ўзбек тилшунослигида синонимларни ўрганишга бағишланган махсус тадқиқотлар мавжуд.<sup>1</sup> Шунингдек, бу масала ўқув адабиётларида ҳам кенг акс эттирилган. Шу соҳада амалга оширилган ишларнинг ютуғи сифатида ўзбек тилида синонимларнинг изохли луғати яратилганлигини қайд этиш лозим.<sup>2</sup>

Ўзбек тили синонимларини тадқиқ этишга бағишланган илмий адабиётларда ушбу ҳодисани талқин этишнинг турли аспектлари ва муносабат йўналишлари белгиланган. Уларни гуруҳлашда турлича нуқтаи назарлар мавжуд.<sup>3</sup> Улар маълум маънода синонимларнинг у ёки бу кўринишларини ёритишга хизмат қилади. Биз учун бадиий адабиёт тилидаги синонимларнинг стилистик маъноларини ўрганиш муҳим. Чунки масалага фақат ана шундай ёндашишгина Зулфиянинг ўзбек тили синонимик бойликларидан фойдаланиш маҳоратини очишга кўмаклашади.

---

<sup>1</sup> Данияров А. Стилистические функции синонимов в современном узбекском языке: Автореф.дис. ...канд.филол.наук. – Самарканд, 1966; Исамухамедова С. Синонимы в современном узбекском языке: Автореф.дис. ...канд.филол.наук. – Ташкент, 1963; Таджиев Ё. Синонимия словообразующих аффиксов со значением «наличие-отсутствие» в современном узбекском языке: Автореф.дис. ...канд.филол.наук. – Ташкент, 1974; Туйчибаев Б. Синонимика именных словосочетаний в современном узбекском литературном языке: Автореф.дис. ...канд.филол.наук. – Ташкент, 1973.

<sup>2</sup> Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изохли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974.

<sup>3</sup> Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965, 136-137-бетлар; Турсунов У., Ражабов Н. Ўзбек тили лексикасининг баъзи масалалари, 105-бет; Шоабдурахмонов Ш. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980, 116-б.

Зулфия ижодидаги синонимларни ўрганишда Ш.Раҳматуллаев томонидан тақдим этилган таснифга таянамиз.<sup>1</sup> Унда лексик ва грамматик синонимларнинг чегараланиши, назаримизда, тадқиқотни етарли даражада аниқлаштиришимизга имкон беради. Гап шундаки, лексик синонимлар каби грамматик синонимлар ҳам матнда ўзининг бирмунча характерли стилистик имкониятларини юзага чиқаради. Айни пайтда, А.Ҳожиёвнинг «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати» ҳам синонимик қаторлар чегарасини аниқлашда асосий ўлчов бўлиб хизмат қилади.

Зулфия асарларида қўлланилган синонимлар доираси жуда кенг. Аммо бизда ҳар бир синонимик қаторга батафсил тўхталиб ўтиш имкониятининг йўқлиги учун шоира услубига хос бўлган, кўзга ёрқин ташланиб турадиган синонимларга тўхталамиз. Биринчи галда Зулфиянинг у ёки бу синонимик қатордан танлаб қўллашдаги аниқлик даражасига ҳамда айрим аффиксларнинг синонимик хусусиятларига диққатимизни қаратамиз. Бундан ташқари, шоиранинг синонимик қатордан маълум пайтда нима учун айнан шу шаклни танлаганлигининг сабаби ва мотивларини очиб бериш назарда тутилади.

Асосий сўзи *катта* бўлган синонимик қаторни кўриб чиқайлик. Бу қатор компонентларининг қўлланиш частотаси қуйидагича: *катта*-21, *зўр*-48, *буюк*-34, *улкан*-21, *улуғ*-17, *азим*-6, *йирик*-6, *гигант*-4, *азамат*-5, *баҳайбат*-1.

А.Ҳожиёвнинг таъкидлашича, *азамат*, *азим* сўзлари конкрет нарсани кўрсатишда ишлатилади. Шоира ижодида ҳам бу сўзлар юқоридаги каби мазмунда учрайди: *азамат ўғил*, *азамат ўғлон*, *азамат қўл*, *азим саҳро*, *азим бир дарё*, *азим тоғ* ва бошқалар. Ҳатто образли бирикмалар ҳам аниқ ўхшатишлар асосида туғилади. Қиёслаймиз: *Мағрур кўтарилдинг бошоқдай ўсиб*, / *Сен билан сафимиз яна зич, азим*.

Луғатда таъкидланишича, *буюк* сўзи конкрет нарсаларга нисбатан кам ишлатилади. Масалан: *буюк карвонбоши*, *буюк севинч*, *буюк ишонч*, *буюк ҳосил*, *буюк ҳуқуқ* ва бошқалар. Аниқ бир нарса-буюмга нисбатан *буюк* сўзи

---

<sup>1</sup> Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 136-137-бетлар.

ишлатилганда кўчма маъно ҳосил бўлади. Таққослаш учун: *буюк китоб. Коинот қуёшга бош чўзган мисол, / Барча ирмоқ кирди буюк пойтахтга.*

Зулфия ижодида зўр сўзи, асосан, мавҳум тушунчаларни ифодалашда ишлатилган: *зўр тўлқин, зўр байрам, зўр бўрон, зўр имон, зўр куч, зўр ишонч* ва бошқалар.

Луғатда қайд этилганидек, *катта* ва *йирик* сўзлари ҳам мавҳум, ҳам аниқ тушунчаларни ифодалашда, гигант атамаси эса асосан қурилишлар, саноат корхоналарини ифодалашда қўлланилган. Масалан: *гигант комбинат, гигант текстиль* ва бошқалар.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, бу синонимик уядаги сўзларнинг экспрессив маънони ифода этиш имконияти чегараланган.

Шоира томонидан қўлланилган синонимларнинг аниқлик даражасини белгилаш учун уларни таққослаймиз: *катта, улкан, улуг, буюк, йирик, гигант, азим: Чойингдай тим қора ..... кўзларинг, / Боқиши тиланчмас, мутеликмас, ўқ.* Энди бу шеърини мисрадаги нуқталар ўрнига синонимик қатордаги сўзларни қўйиб кўрамиз: *Чойингдай тим қора катта кўзларинг. Чойингдай тим қора улкан кўзларинг, Чойингдай тим қора буюк кўзларинг, Чойингдай тим қора йирик кўзларинг. Катта кўз* ибораси ҳар доим ҳам ижобий маъно касб этавермайди, *улкан кўз* ибораси тўғрисида ҳам шундай дейишимиз мумкин. *Улуг кўз* ёки *буюк кўз* тарзида қўллаш эса кулгули туюлади. Шундай қилиб, кўзларнинг ўлчамини фақат биргина сўз – *йирик* атамаси орқали кўрсатиш мумкин ва шоира ҳам айнан шу сўздан фойдаланади.

Энди грамматик синонимия масаласига тўхталиб ўтамиз. Аффиксал синонимия – бу ҳодиса формал томондан ҳар хил бўлган аффиксларнинг семантик жиҳатдан бир хил – ўхшаш (ёки жуда яқин) бўлишидир.<sup>1</sup> Зулфия асарларидаги синонимик аффикслар таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда уларнинг бири иккинчисининг ўрнида қўлланила олиши мумкин. Аммо стилистик жиҳатдан улар бир-биридан фарқ қилади. Аслида ҳам тилда

---

<sup>1</sup> Ўзбек тили грамматикаси, I том. – Тошкент: Фан, 1975, 99-б.

абсолют синонимлар мавжуд эмас. Бу ҳақда Ф.И.Буслаев қуйидагиларни ёзган эди: «Тилда қатъиян бир маънони англатадиган, сувнинг икки томчисига ўхшаган икки ёки бир неча сўз йўқ».<sup>1</sup> Шундай экан, икки қўшимчанинг тўлалигича бир-бирига мувофиқ келиши ва синонимия конунларига кўра бири иккинчисини алмаштириши ҳақида гапириш қийин.

Синонимик муносабатга кириша оладиган қуйидаги аффиксал вариантлар кўриб чиқилди: *ба-/ли, бе-/сиз, -дор/-ли, -зор/-лоқ, -ист/-чи, -иш/-имтир, -каш/-чи, -шунос/-чи, -иш/-роқ, -сиз/-но*. Юқоридаги 10 вариантдан 5 таси шоира томонидан ишлатилмаган. Булар: *-ист/-чи, -иш/-имтир, -иш/-роқ, -лоқ/-зор, -шунос/-чи*. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

а) *журналист* сўзидаги *-ист* ни *-чи* аффикси билан алмаштириш мумкин эмас;

б) шоира *-иш, -имтир* аффиксларидан сифат даражаларини кўрсатиб беришда фойдаланмаган;

в) *-зор* қўшимчаси ёрдамида ўрин-жойни билдирадиган от ясалган бўлса-да, *-лоқ* аффикси бу вазифани бажара олмайди;

г) *-шунос* аффиксидан шоира сўз яшаш воситаси сифатида фойдаланмаган. Энди синонимик вариант ҳосил қилган аффиксларни кўриб чиқамиз.

*бе-/сиз. бе-* тожик тилидан ўзлаштирилган аффикс бўлиб, ўзбек тилида *-сиз* қўшимчаси билан параллел равишда қўлланилади. Зулфия сўз ясовчи қўшимча сифатида *-сиз* аффиксини 17 марта, *бе-* қўшимчасини эса 92 марта қўллаган. 15 ҳолатда улар синонимияни вужудга келтирган. Бундай қўлланишда, албатта, сўзнинг ўзаги қайси тилга дахлдор эканлиги муҳим аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup> Ф.И.Буслаевнинг гапи қуйидаги манбадан олинди: **Розенталь Д.Э.** Практическая стилистика русского языка. – М.: Высшая школа, 1974, с.71.

Шоира асарлари матнидаги айрим сўзларга бу қўшимчаларнинг бирикиш частотасини келтирамиз:

| <i>т/р</i> | <i>сўзлар</i>  | <i>-сиз</i> | <i>бе-</i> | <i>жами</i> |
|------------|----------------|-------------|------------|-------------|
| 1.         | бош            | 3           | 2          | 5           |
| 2.         | гул (ф)        | 1           | 1          | 2           |
| 3.         | жон (ф)        | 2           | 2          | 4           |
| 4.         | из             | 1           | 1          | 2           |
| 5.         | миннат (а)     | 1           | 3          | 4           |
| 6.         | поён (ф)       | 2           | 10         | 12          |
| 7.         | тенг           | 4           | 1          | 5           |
| 8.         | тиним          | 1           | 4          | 5           |
| 9.         | тус            | 1           | 1          | 2           |
| 10.        | тўхтов         | 1           | 1          | 2           |
| 11.        | сон            | 3           | 2          | 5           |
| 12.        | саноқ          | 2           | 1          | 3           |
| 13.        | фарқ (а)       | 1           | 1          | 2           |
| 14.        | шак (а)        | 1           | 1          | 2           |
| 15.        | ғам (а)        | 1           | 3          | 4           |
|            | <i>Ж а м и</i> | 25          | 34         | 59          |

Гарчи бу аффикслар шоира томонидан паралелл қўлланилган бўлса-да, айрим ҳолларда улар стилистик жиҳатдан бир-бирларидан фарқ қилади. Таққослаймиз: *бебош-бошсиз: Чуқур ажинингга боқиб умримнинг / Бебош тантилигин кўрдим ёрқинроқ . – Йўқ, бу куйган таналар ҳаққи, / Бошсиз қолган таналар ҳаққи ёки: беғам-ғамсиз: Беғам ўтган ҳаётнинг дўстига шу кун / Ўғит бериб оғадай бўлолди малҳам, Ҳар гунчанг, ҳар гулинг кўзим эркалаб,/ Мен ғамсиз аламсиз, қўшиқ-ла оқдим.*

Бу аффикслар қуйидаги ҳолларда бир-бири билан мос келади: *бегул - гулсиз , бежон –жонсиз, беминнат - миннатсиз, бепоён - поёнсиз, бесаноқ -*

саноқсиз сингари. Лекин бу қўшимчалар *бош* ва *гам* сўзларига қўшилса, сўз маъносида ўзгариш содир бўлади.

Яна бир мисолни кўриб чиқайлик. Шоира *бетенг* сўзини *тенгсиз* сўзининг синоними сифатида қўллайди. Ўзбек тилида бу хилдаги сўзларни қўллаш одатий ҳол ҳисобланмайди. Лекин шоира вазият ҳамда шеъринг ритм тузилишини ҳисобга олиб, аффиксни қуйидагича қўллайди: *Шундай севги / Мушкул саодат, / Табиатнинг нодир тухфаси. / У бетакрор, бетенг, беодат, / Бир умрга кифоя фасл.*

*-ли/-дор* аффикслари Зулфия шеърларида қуйидаги сўзларда синонимлик вариантыни ҳосил қилади:

| <i>т/р</i> | <i>сўзлар</i> | <i>-ли</i> | <i>-дор</i> | <i>жами</i> |
|------------|---------------|------------|-------------|-------------|
| 1.         | вафо (а)      | 1          | 4           | 5           |
| 2.         | жаранг        | 6          | 1           | 7           |
| 3.         | ном (ф)       | 10         | 1           | 11          |
| 4.         | ранг (ф)      | 1          | 3           | 4           |
| 5.         | салмоқ        | 2          | 1           | 3           |
| 6.         | юк            | 1          | 1           | 2           |
|            | <i>Жами</i>   | 21         | 11          | 32          |

Бу қўшимчалар ҳам *бе-/сиз* аффикслари сингари семантик жиҳатдан бир-бири билан мослашса-да, аммо стилистик жиҳатдан фарқланади. Белги, тегишлилик *-ли* аффикси орқали ифодаланган ҳолларда эгалик маъноси англашилса, *-дор* қўшимчаси қўшилганда эса белги умумлашган, шу билан бирга, тантанавор руҳда берилади. Таққослаймиз: *рангли-рангдор: Шундан пушти рангли ўлкада зиё / Шундан шоирдаги жарангдор гурур. Севаман ерларга рангдор япроқлар, / Юмшоқ ва ранг-баранг гилам тўшаса.* Бундай мисолларда ҳам шу ҳолат кузатилади: *жарангли - жарангдор, юкли - юкдор, салмоқли - салмоқдор* ва бошқалар.

*Ном* сўзига *-дор* аффиксини қўшиш орқали шоира кучли эмоционал-экспрессив бўёқ ҳосил қила олган. Таққослаймиз: *Гарчанд номдор там-там*

*чеварлар / Рекордлар қўяди чегара билмай. Сўзнинг бу шакли халқ оғзаки поэтик ижодида ҳам таъсирчанлик воситаси ҳисобланади. Унга –ли қўшимчаси қўшилганда эса сўз экспрессивлигини йўқотади ва –ли, –дор аффикслари ўзаро синонимик вариант ҳосил қилмайди: Сен туфайли кўп хонадонда / Ота **номли** буюк шодлик кам .*

*–ли/-той аффикслари синоним бўлиб, улар ўзаро стилистик жihatдан фарқланади. Агар –ли қўшимчаси билан сўз ясалган бўлса, бундай сўзлар ахборот хусусиятига эга бўлади, –ли қўшимчаси ўрнига бу сўзларга –той аффикси қўлланилса, у субъектив баҳога эга бўлади. Қиёслаймиз: ёқимли-ёқимтой: Қуёш ботди курорт шаҳарнинг / **Ёқимли** кун сўрони тинди. Қўш этаклар сирғалар аста, / Тошу тупроқ гул очар гўё. / Ним табассум, бодомқовоқдан / Дилга ёқар **ёқимтой** зиё .*

*Ба-/ли, но-/сиз аффиксларидан ҳам синоним сифатида фойдаланилади. Масалан: бамаза , басавлат, хайрли , ноумид ва бошқалар. Бундан ташқари, шоира кўпгина сўз ва қўшимчалар орасидаги синонимик имкониятини кўрсатиб беради. Булар қуйидагилардир: –дан/ туфайли, сабабли – мисраларидан , –дан / ҳақида - хушид юзлidan , –са/-ганда – қўшининг олса шум хабар, –санг/-могинг, - учсанг мумкин, -(и)к/-ган – эрик сариқмойдай ва бошқалар.*

Юқорида таҳлил этилган сўз ва аффиксал синонимик морфемалар орқали шоиранинг синонимларга нисбатан муносабати тўғрисида айрим хулосалар чиқаришимиз мумкин. Биринчидан, Зулфия синоним сифатида фаол қўлланиладиган ва поэтик лексикадан мустаҳкам ўрин эгаллаган сўзлардан фойдаланди. Иккинчидан, сўзлараро семантик диапазоннинг кенглигидан фойдаланиб, шоира сўзнинг нафақат бир синонимик қаторда бир неча синонимик қаторда бир вақтнинг ўзида иштирок этиши мумкинлигини амалда исботлаб берди. Учинчидан, у нур, зиё сингари бирликлар мисолида сўзларнинг семантик ҳажмини кенгайтирди ва шу йўл билан ўзбек адабий тили синонимик бойлигига муносиб ҳисса қўшди.

**Антонимлар.** Антонимия икки сўз ёки ибора орасидаги мантикий муносабатни кўрсатиб берувчи ҳамда бир-бирига зид бўлган тушунча ва тасаввурларни уйғотувчи ҳодисадир. Бу хилдаги сўзлар ўзбек тилида катта гуруҳни ташкил қилади. Уларнинг стилистик роли ҳам бениҳоя катта.

Антонимларнинг лингвистик табиати жаҳон тилшунослигида, туркологияда, шу билан бирга, ўзбек тилшунослигида ҳам кенг тадқиқ этилган.<sup>1</sup> Ўзбек тилшунослигида тилнинг лексик ресурслари орасида антонимларининг тутган ўрни, антонимларнинг ҳосил бўлиш йўллари, уларнинг грамматик структураси масалалари кенг тадқиқ этилиб, бу илмий изланишларнинг амалий якуни сифатида ўзбек тили антонимларининг луғати яратилган.<sup>2</sup> Лекин бу ишларда антонимларнинг стилистик хусусиятлари кам ёритилган.

Зулфия бошқа лексик ресурслар қаторида антонимлардан ҳам кенг фойдаланган. Зарур ўринларда улар маълум стилистик вазифа бажарган. Шоира асарларида «А» ҳарфи билан бошланувчи 187 сўздан 13 таси антоним сифатида қўлланилган: *абадий – бирпас, аввал – кейин, авлод – аجدод, ажралмоқ – қўшилмоқ, азиз – хор, азоб – роҳат, айёр – оддий, аранг – бемалол, арзимас – муҳим, аста – бирдан, аччиқ – ширин, ақлли – ақлсиз, адолат – ҳақсизлик* ва бошқалар.

Бу антонимлар валентликлари тўғри келган пайтларда янги антонимларнинг шаклланишига йўл қўяди. *Аввал* ва *кейин* сўзларининг антонимик муносабатлари орқали бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин:

а) *аввал – кейин: Лекин сиз жон беришдан аввал / Зўр азобга келасиз дучор. Бирга боғ айландик, ширин суҳбатлар, / Кейин сув бўйига келдик иккимиз;*

б) *аввал – сўнг: Сен чиққач, далага сени кузатиб / Сўнг кетар уйига кўкдаги юлдуз;*

---

<sup>1</sup> Исабеков Б.О. Лексическая антонимия в современном узбекском языке: Автореф.дис. ...канд.филол.наук. – Ташкент, 1973; Шукуров Р. Ўзбек тилида антонимлар. – Тошкент: Фан, 1977; Ҳожиев А., Муллаев Т. Лексик антонимия ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1979, 1-сон.

<sup>2</sup> Раҳматуллаев Ш., Маматов Н., Шукуров Р. Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980.

в) олдин – кейин: **Олдин** кўзларини чўқиб ўйди, **кейин** қаноти билан уядан суриб чиқарди;

г) аввалги – кейинги: **Аввалги** юборган молларимнинг ўрчишини ҳам ҳисобга олиб, санаб қайтаришини унутма!. **Кейинги** пушаймон ўзингга душман дейдилар;

д) аввал – сўнгра: **Аввало**, болаларим, юрак қули бўлманглар, ақл қули бўлинглар! **Сўнгра** қаттиқ жанглар, зўр бўронларда, / Шу ер, шу қишлоқни ёвдан этган пок.

Р.Шукуров ўзининг «Ўзбек тилида антонимлар» номли монографиясида<sup>1</sup> ўзбек тилида антонимик жуфтликларнинг 30 дан ортиқ кўриниши мавжудлигини таъкидлайди. Буни бизнинг кузатишларимиз ҳам тасдиқлайди. Матнда жуда катта ҳажмдаги антонимик вариантларнинг шаклланишига имконият бор.

Антонимлардаги мантикий қарама-қаршиликдан келиб чиқиб тадқиқотчилар таъкидлашадики, улар бадиий услубда кучли поэтик восита вазифасини бажариши мумкин. Ҳақиқатдан ҳам нарсалар ва ҳодисалар ўртасидаги белги ва хусусиятларни аниқ фарқлашда, уларни бир-бирига зид тарзда тасвирлашда антонимлар ўзига хос тасвирий восита сифатида намоён бўлади.

Нутқда мантикий жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши бўлган тушунча, фикр, образ, предмет ва характерларни қиёслаш йўли билан таъсирчанлик ошириладиган антитеза усулида, асосан, антонимия ҳодисасига таянилади. Антитеза дейилганда, одатда, «умумлашган, типиклашган, тилда объектив амал қиладиган шундай қарама-қаршиликлар тушуниладики, улар ўзида бадиий таъсир мақсадида маълум ижодий қайта ишлашни мужассам қилади».<sup>2</sup> Шоира антонимларни жуда кўп образларда ана шу мақсадга бўйсундиради. Қиёслаймиз: *узоқ-яқин: Бунда узоқдаги дўст бўлар яқин, / Санъат, маҳоратнинг байрами бунда.*

<sup>1</sup> Шукуров Р. Ўзбек тилида антонимлар. – Тошкент: Фан, 1977.

<sup>2</sup> Бабаханова Л.Т. Структурно-семантические особенности антитезы как стилистического приема: Автореф. дис. ...канд.филол.наук. – М., 1967, с.3.

Агар ушбу мисолда фикрнинг диалектик баёни берилаётган бўлса, бошқа бир ўринда, антонимлардан бирини кўчма маънода қўллаб, муаллиф образли ифода яратади: *тун-кун: Ўйигит севги тонгини кутар, / Қиз кўзидай қуюлади тун. / Лекин узун киприклар ўта- / Ярқирайди бахтга тўла кун.*

«Кутиш» шеъридан олинган парчада шоира қўллаган антонимлар образ ҳолатининг ёрқин манзарасини яратишга хизмат қилган. Қиёс: *уйқуга кетмоқ – бедор, кичик-буюк, қиз-йигит: Ота-она уйқуга кетди, / Уйда фақат Инобат бедор, / Унинг кутган кунлари етди, / Букун ўзин санар бахтиёр. Кичик қалбда буюк севинч бор, / Ер юзини тутиб кетгудай. / У бировни кутар бетакрор, / Қанот бўлса, ўзи етгудай... / Қиз билади, шошади йигит, / Самолётда қилади парвоз .*

Антонимларни қўллаш орқали шоира гротеск тасвирга эришган. «Қуёшли қалам» поэмасидан бир парча келтирамиз: *Машина елади қуш каби учиб / Мотори гувиллар, гувиллар шамол, / Кичик давримизда буюк сукунат..* Бу ерда Зулфия сукунатни буюк ҳолат сифатида таърифлайди. Чунки айнан шу вақтда ҳикоя қаҳрамони Ойбек ижод билан машғул эди. Мисра якунидаги риторик савол шоиранинг тасвир воситасини танлашдаги позициясини янада кучайтиради: *Балки янги ҳислар қайнашидан лол / Адиб боларидек қилади меҳнат.*

Шоира томонидан антонимлар жуфт тарзда ишлатилганда улар умумлаштириш қонуниятига бўйсунди. Бу хусусият, одатда жуфт сўзларга хос: *Оралади... Кейин очилган гулдан / Танлаб-танлаб қирқди серзавқ, сераёв / Узоқ-яқин тутиб қилди томоша / Гул ёқут, нуқра, дур - ёнар нақ олов...*

Умумлаштириш мақсадида Зулфия баъзан антонимлар занжирини қўллайди. Қиёс учун: *кекса-ёш: Гарчанд дарслигидай таниш Бухоро, / Титди мудроқ, уйгоқ, кекса, ёш бобин, / Зиндонида титраб, минорлар аро / Кезди ва ахтарди дилга хитобин .*

«Хотира сатрлари» шеърида ҳам шоира фикрлар тўлқинини кучли ифодалаш мақсадида бундай усулдан фойдаланади: *севинч - алам, туғилиш - ўлим: Нурга тўлган уйлар сеҳрлар нигоҳ, / Севинчу аламга, / Меҳнат ва*

шонга / *Туғилиш-ўлимга / Ишқу иймонга / Ватан, бахт аталмиш нурли бир паноҳ.*

Шунингдек, Зулфия бир-бири билан зид бўлмаган сўзларни қўллаб антонимлик муносабати ҳосил қила олган: *муз-олов: Қиз шодлигин **муздай** уфурган / Нафрат, қарғиш нафаси ютди. / Лекин дилда, қонда қулф урган / Янги **олов** борлигин тутди.* Сўзларни бу тарзда антитеза усули қоидаларига мувофиқ қўллаш, асосан, фикрлар курашини ёрқин ифода этишга хизмат қилади.

Илмий адабиётларда сўзларни бу тарзда ифодалаш матний антонимия деб аталади: «Лексик антонимлар кўп ҳолларда сўзнинг асосий (бош) маъносидан, матний антонимлар эса деярлик ҳамиша сўзларнинг кўчма ёки метафорик мазмунидан ҳосил бўлади».<sup>1</sup> *Қайноқ - муз, сероб - ташина, аччиқ – бол* каби матний антоним жуфтликларни кўриб чиққанимизда улардан камида биттаси кўчма маънода қўлланилганлиги маълум бўлади. Масалан: *Салқинда бир нафас олди ним совуш, / **Қайноқ** кўк чой берди **муздек** бир ҳузур .*

Зулфиянинг антитезадан фойдаланишдаги маҳорати яққол намоён бўлган яна бир характерли мисол келтирамиз: *Сўзлайди, кўради, шоир вақти чоғ, / Кенг йўлларга уқа сонсиз ёш чинор / Шаҳар этагида дала, дара, тоғ / **Оқ ўт** билан ёнар чўққисида **қор**.* Бу ерда *ўт* ва *қор* сўзлари матнда яққол антонимик муносабатга киришган.

Зулфия ижодида антонимлар фақатгина антитеза усули воситаси бўлиб қолмасдан, воқеа-ҳодисаларни чоғиштиришда материал вазифасини ҳам бажарган. Таққос учун: *кеча-эрта: Мана, кетиб борар қамти ёнма-ён, / **Кеча** ва **эртадай** ача, эвара .* Яна бир мисол: *Сув оларди ерда, кўкда янги бахт, / Шодлик оғушида нур кафтдай дунё, / Эй воҳ, ёв келгандай қулади бу тахт, / Ют, ўлим ютгандай нақ **қора рўё**. / Бир нафасда ёпди қор **оқ кафанин**, / Ҳамма новдаларда сўлгин гул қолди. / Қўлга олмай ақал тўнғич фарзандин, / Шундай, барча дарахт бирдан тул қолди.*

---

<sup>1</sup> Шукуров Р. Ўзбек тилида антонимлар, 56-б.

Баҳор бошланишида тушган қорнинг энди уйғона бошлаган табиатга таъсири акс эттирилган ушбу парчада *оқ кафан* ибораси мантиқан *қора рўё* иборасига зид эмас, аксинча уни тўлдириб келмоқда.

Антонимларнинг бир-бирини тўлдирувчи тушунчаларга айлантирилиши шоира поэтик маҳоратидаги усулларида бири саналади.

Бу фактлар шуни кўрсатадики, шоира антонимларга алоҳида эътибор билан муносабатда бўлган. Шунинг учун ҳам айта оламизки, антонимлар кўмагида воқеа-ҳодисаларни ўзаро зид тарзда қўллаш образлар моҳиятини очишда Зулфия услубининг ўзига хос жиҳати сифатида намоён бўлади.